

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 13 апрел
жума
Сотувда эркин нархда
№ 73 (2635)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI



Ўзбекистон туманидаги "Сохибкор" ва Мукаимий номидаги ширкат хўжаликлари пиллакорлари Фарғона вилоятида биринчи бўлиб ипак курти парваришини бошлади.

Пилла мавсуми бошланди

Бу йил вилоятда Фарғона иклимига мос бўлган "Фарғона-5", "Фарғона-6", "Фарғона-3" навли ипак куртларининг 51 минг кутиси парваришланган, қабул пунктларига 2 минг 400 тонна қимматбах оғирлиги соғиртирилган. Бу йилги мавсумда ипак куртини пилла остида парваришлаймиз, — дейди вилоят "Пилла" хиссадорлик бирлашмаси бошқаруви раиси Жумабой Гофуров. — Бу усулнинг афзаллиги шундаки, барг намлиги узок сақланади. Озука исрофига йўл қўйилмайди. Бу эса пилла ҳосилдорлигини оширади. Айни кунда пиллакорларга янги технология асосида ҳосил етиштириш борасида зарурий қўлланмалар берилмоқда.

Р. КАМОЛОВ,
ЎЗА мухбири.

«ЎЗСАЛАМАН» ЖАҲОНГА ЧИҚМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг шу ой бошларида Германияга расмий ташрифи доирасида давлатимиз раҳбарининг немис ишбилармонлари билан мулоқотлари муҳим ўрин тутди. Ишончли ҳамкорларнинг яхши самараларга эришадиганлиги Фарғона вилоятида ҳам ёрқин намён бўлаётир.

Бугунги кунда ушбу ҳудудда ўнга ақин қўшма корхоналар, фирмалар Германиялик сармоядорлар билан ҳамкорлик қилаётди. «Хамал» қўшма корхонаси типография маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган бўлса, «Шу вальд ЛТД» фирмаси суратга олиш, чоп этиш ишларини бажаряпти. «Тиминтер» фирмаси савдо-сотик билан шуғулланса, «Лүфер» қўшма корхонаси чарм ва полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

«Ўзсаламан» эса мана шу самарали ҳамкорликни бошлаб берган қалдирғоч корхона ҳисобланади. Фарғоналикларнинг дунё пайабзал саноатининг энг кекса ва машҳур, шу билан бирга, пешкадам корхоналаридан бири ҳисобланган «Саламандер» фирмаси билан ҳамкорликда иш олиб бораётганига ҳам беш йилдан ошди. Бугунги кунга келиб, «Ўзсаламан» тамғаси остида тайёрланаётган бежирим ва қулай пайабзалларни на-

фақат мамлакатимиз, балки Германия, Россия, ҳатто Яқин Шарқ мамлакатларида ҳам яхши билишади.

Тўғри, тўқсонинчи йилларнинг охирида хомашини келтиришдаги узилишлар сабаб бўлиб, корхона бир оз оқсаб қолди.

Бироқ ўтган йилдан бошлаб корхона яна ўз мавқеини ўнглаб олди. Фикриятини эришилган натижалар ҳам исботлаб турибди. Ўтган йил давомида 241,5 минг жуфт ёки 1 миллиард 832 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Ишчиларнинг ўртача ўн ҳақи 17 минг сўмга кўтарилди.

Кўпчилик мутахассислар корхонанинг бу каби дадил одимларини ишлаб чиқаришнинг асосий турлари, хомашини маҳаллий имкониятлар ҳисобига қидириб топилганлигида, деб баҳолашмоқда. Бошқача қилиб айтганда, корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг 83 фоизи маҳаллий хомашедан, фақат 17 фоизи-

гина импорт маҳсулотларидан ишлаб чиқариляпти.

«Ўзсаламан»нинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришда кредит усули ҳам қўл келмоқда. Яқинда Миллий банкнинг Фарғона минтақавий бўлими билан 200 миллион сўмлик кредит олиш ҳақида битим имзоланди.

Мухими, мутахассислар асосий эътиборни жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйишга қаратмоқда. Бу йўлда дастлабки қадамлар ҳам қўйилди. Россиянинг Рязань шаҳридаги «Рязаньвест» маъмулият чекланган жамияти билан 200 минг долларлик шартнома имзоланиб, 30 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Бугун эрта Омск шаҳрига ҳам бир туркум пайабзаллар жўнатилади. Новосибирск шаҳрида эса корхонанинг «Савдо уйи»ни очиб унинг барча хўжатлар ҳозирлаб қўйилди. Бишкек шаҳридаги «Интеробув» сав-

Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик илмий тадқиқот институти илмий кенгаши қарори билан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Ҳиндистон маданият маркази директори Қамар Раисга (Мусахиб Али Хон) институтининг Фахрий доктори унвони берилди.

Қамар Раис — фахрий доктор

Қамар Раис Ўзбекистон билан боғлиқ илмий педагогик фаолиятини қирқ йил муқаддам Ўзбекистон Миллий университети урду тили ва адабиёти кафедрасининг профессори сифатида бошлаган эди. Ўтган давр мобайнида у Ойбек, Зулфия, Фафур Фулом, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби кўпгина машҳур ўзбек шoirларининг асарларини, шарҳунос Мухайиб Абдураҳмонова билан ҳамкорликда эса Заҳириддин Муҳаммад Бобур газал ва рубоийларини урду тилига таржима қилди. Мамлакатимиз маданияти ва адабий ҳаёти ҳақида «Ўзбекистон» номли рисола ҳам яратди.

Ингирмага яқин илмий оммавий асарлар муаллифи бўлган адабиётшунос Мирзо Фоліб номидаги Ҳиндистон давлат мукофотининг ҳам соҳибидир.

Қамар Раисга Фахрий докторлик дипломинини топшириш маросимида Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси Бхаскар Кумар Митра, Ўзбекистон Бадий академиясининг раиси Турсунали Қўзиёев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ
Кон-металлургия саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил қилишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Кизилкумодирметаллолтин» концерни ҳамда республика кон-металлургия тармоғи корхоналарини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш, таълим дастурларида Ватанимиз ҳамда хорижий кончилик ва металлургия корхоналари томонидан тўпланган илғор тажрибадан кенг қўламда фойдаланган ҳолда замонавий ўқитиш услубларини жорий этиш, таълим жараёнининг ишлаб чиқариш билан алоқасини кучайтириш асосида кадрлар тайёрлашни ташкил этиш тизимини тақомиллаштириш мақсадида:

1. Навоий давлат кончилик институти ўзининг юридик шахс мақоми ҳамда бюджетдан молиялаш манбаларини сақлаб қолган ҳолда «Кизилкумодирметаллолтин» концерни таркибига ўтказилсин.
2. Белгилаб қўйилсинки, Навоий давлат кончилик институти «Кизилкумодирметаллолтин» концерни корхоналари ҳамда республика кон-металлургия тармоғи учун юқори малакали мутахассислар, шунингдек, кончилик ва металлургия ихтисосидаги касб коллежлари учун муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича базавий олий таълим муассасаси ҳисобланади.
3. «Кизилкумодирметаллолтин» концернининг пенсия ёшидаги юқори малакали мутахассисларини Навоий давлат кончилик институтида ўқитувчилик фаолиятига жалб этишни рағбатлантириш учун уларга тўланадиган пенсия миқдори тўла ҳажмда сақлаб қолинсин.
4. «Кизилкумодирметаллолтин» концернига ўқитиш тугатган асосий ишлаб чиқаришларда мутахассислиги бўйича ишга келувчи ёш мутахассисларга корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобидан қўйиладиган беришга рўхсат этилсин! Бериладиган суммани кейинчалик солиққа тортиладиган даромадга қўшмаган ҳолда энг оз иш ҳақининг 20 баравар миқдорига йўл пули; уй-жой сотиб олиш учун 10 йил муддатга энг кам иш ҳақининг 400 барава-

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Ташкент шаҳри,
2001 йил 12 апрел

Улуғбек орзулари ушалган кун

1961 йил 12 апрел. Инсон фазони забт этди. Ушанда икинчи синфда ўқирдим. Эсимда, Бектағиров деган муаллимимиз мактаб ҳовлисида барчамизни йиғиб бу янгиликдан бизни воқиф қилди. Очига, қанчалик буюк воқеа рўй бергани мураккаб тасаввуримга сиғмаган эди.

Албатта, савқис яшар болақай нимани ҳам тушунарди. Лекин ушанда катта ёшда бўлганимда ҳам орадан қирқ йил ўтган, қандай кунларга етиб келишимизни тасаввур қилолмас эканман. Ҳа, ўша дамларда 2001 йилга келиб мустақил Ўзбекистоннинг пойтахтида, Россия Федерациясининг Тошкентдаги элчихонасида оламшумул воқеа танина қилинишини ким ҳам ўйлаб қўрибди.

Худди шу тантада Россия элчиси Дмитрий Рюрик «Ёнимда ўзбекининг жаҳонгашта олим академик Шавкат Воҳидов турганида мен учун космос ҳақида гапириш ноқулай» дейишини

Шўҳрат ЖАББОРОВ.

Арафа

Ия, футболга билет олмабман-ку!?

Чарм тўп ўйинининг ишқибозлари бисёр. Ўзбекистонда ҳам уларнинг саногига етолмайсиз. Фақат кейинги йилларда футболчиларимиз сал... Майли, ўтган ишга саловот. Бўёғига омадминини берсин. 23,25,27 апрел кунлари (Билет олмабман, депясизми?) Ҳалиям кеч эмас.) жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари бўлиб ўтади. Ватанимиз шарофидини ҳимоя қиладиган терма жамоа таркиби билан танишмоқчи бўлсангиз, эртага эрталаб «Халқ сўзи»ни ўқинг!

Мамлакатимизда

Шаҳрисабз Жаҳон мероси рўйхатида

Маълумки, ЮНЕСКО жаҳондаги 691 та ноёб маданият ва табиий ёдгорликларни ўз муҳофазасига олган. Эндилда Шаҳрисабз шаҳри ҳам Жаҳон мероси рўйхатига киритилди. «Жаҳон мероси қўшмаси Шаҳрисабзнинг тарихий марказини Жаҳон мероси рўйхатига киритди, — дейилади ЮНЕСКО бош директори Кончио Машура илмози билан келган мактубда. — Бу билан маданият ёки табиий ёдгорлигининг бебаҳолиги ва умуминсоний мулк эканлиги эътироф этилди. У бутун инсоният манфаати учун муҳофазга қилиниши шарт».

Фойдали анжуман

Денов туманидаги Ҳазорбоғ қишлоқ хўжалик касб-хунара коллежидида ўқув-тажриба хўжаликларида ишлаб-чиқариш таълимини ташкил қилиш ҳамда бюджетдан

Пайшанба хабарлари

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Мозий дурдоналари кўргазмаси

Темурийлар тарихи Давлат музейи хорижий меҳмонлар мажлусини энг кўп тортаётган давралардан бири бўлиб қолмоқда. Ўтган вақт мобайнида бу даргоҳдаги экспонатлар сезиларли даражада бойланди. Кунга кеча соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 665 йиллигига бағишланган тантаналарда ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонлар бунинг гувоҳи бўлишди.

Айни вақтда музейда республика Фанлар академияси билан ҳамкорликда Ватанимиз истиқлолининг ўн йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон: мозий дурдоналари» мавзуда кўргазма ташкил этилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, жонанжор туртинининг қадимий ва бой тарихга ога эканлини нафақат халқимиз, балки жаҳон оmmasига тарғиб ва ташвиқ этиш ҳамда ёшлар онгига Ома наминга муҳаббат, Ватанга садоқат туйғуларини сингдиришдан иборатдир. Кўргазма «Қадимий аждодлар тарихи», «Қадимий ёзув ва кўлёмалар», «Нузмизматика», «Дин ва дин тарихи бўйича ёдгорликлар», «Хунармандчилик», «Кийим, гилам, заргарлик буюмлари» сингари мавзуларни қамраб олади.

Ҳадемай янги кўргазманинг «Қадимий аждодларимиз тарихи» деб номланган илк қисми ватандошларимиз ва пойтахт меҳмонлари эътиборига ҳавола этилади. Тош ва бронза давриддан гувоҳлик берувчи бу кўргазмада археологларимизнинг қадимий ёдгорликларни ўрганиш борасидаги илмий тадқиқотлари, қазималар натижасида қўлга киритилган ноҳир осори атиқалар жамланган. Улар орасида бундан 1 миллион 200 минг йил муқаддам заминимизда одамлар яшагани ҳақида маълумот берувчи тош даврига оид ашёлар ҳам мавжуд.

Назоқат Усмонова,
ЎЗА мухбири.

Ер юзиди

Қунига 300 шаҳарга парвоз

«Американ эйрлайнс» авиакомпанияси ўзининг азиялий рақобатчисини «Транс уорлд эйрлайнс»ни сотиб олди. Бу эса унга йўловчи ташиш ҳажми жаҳондан АҚШда энг йирик авиакомпанияга айланиш имкониятини яратди. Энди «Американ эйрлайнс»да тўққиз юздан ортиқ самолёт бўлиб, улар қунига дунёнинг уч юз шаҳрига парвоз қилади. Харид шартномасига қўра, «Американ эйрлайнс» рақобатчисининг 3,5 миллиард долларлик қарзини тўлайди. Шунингдек, унинг эгаларига ҳам 742 миллион доллар тўланади.

Фитна фов этилди

Шри-ланка махсус хизмати мамлакат президенти Чандрика Кумаратунга ва у бошчилик қилаётган ҳукуматни ағдариб ташлаш мақсадида уюштирилган фитна фов этиганини маълум қилди. Маълум бўлишича, мамлакатда бешта йирик фирма давлат бюджетини тасдиқлаш вақтида исён кўтариш учун пазай вазир, уларнинг ўринбосарлари ва



Ислохот одамлари

Диққат: янги руқн

Бунёдкорлик завқи

центнердан ҳосил олди. 16 бош қорамол ҳам мавжуд. Сут ва гўшти шартнома асосида ташкилотларга сотиб, бир миллион сўм соф фойда кўрди.

— Фермер бўлиб кам бўлмадим, — дейди Умарали Маматов. — Иқтисодимиз йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

Учкўрғон туманида Салимжон ва Умаралига ўшаған фермерлар кўп. Бу ерда, 198 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Туман бўйича етиштирилган пахтанинг 20 фоизи, галланинг 15 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келапти. Мухими, уларнинг 50 фоиздан кўпроги ёшлардир.

Улар тadbиркорлик билан иш юритиб, фидокорона меҳнатлари тўғрисида муваффақиятларга эришмоқдалар, мамлакатимиз иқтисодиётига мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқдалар.

Хосил КАРИМОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

«Сотиш тақиқланади» йўқламаси

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва «Жалқ сўзи» газетаси таҳририяти ҳамкорликда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5 йиллигига бағишлаб «Сотиш тақиқланади» йўқламасини ўтказди. Бу йўқламанинг мақсади ва вазифалари мазкур Қонуннинг мазмун-моҳияти ва талабларини тарғибот қилиш орқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқини оғини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилиш, ҳар бир фуқаронини инсон саноқлиги учун хавфли бўлган сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилмасликлари хусусида огоҳлантириш, шунингдек, муштарийларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ҳолда, инфофиз ишлаб-чиқарувчилар (сотиувчилар ва бажазувчилар)нинг фаолияти ҳақидаги маълумотларни йиғиб, уни газетасида саҳифаларда мунтазам равишда ёриштириш боради.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, унинг ҳудудий бошқармалари мутахассислари истеъмолчилар томонидан юборилган ана шу давло қўмонларини жамлаб, динатсиз ишлаб-чиқарувчилар (корхоналар, уларнинг раҳбарлари)нинг қора рўйхатини тўзатилади. Мазкур рўйхат эса газетанинг ёриштирилади. Бу ўз навбатида Давлат стандартлари талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар ишлаб-чиқарувчи корхоналар жамоалари учун биринчи огоҳлантириш бўлади. Агар улар кейинчалик ҳам ўз фаолиятларида ҳеч қандай ўзгариш қилмасалар, у ҳолда қаттиқроқ чоралар кўрилади. Бундан, албатта, аҳоли хабардор этилади.

Едингида тутиш, бу йўқламада асосий эътибор айрим ишлаб-чиқариш корхоналари томонидан ноқонуний маҳсулот ишлаб-чиқарилиши, анкироғи, беғона товар ёки маҳсулот белгиси билан хизмат кўрсатилишига қаратилади.

Хурмати истеъмолчилар, газетамиз муштарийлари! Ушбу қўмонини тўғридан тўғри билан, республикамизда хавфли, сифатсиз маҳсулотлар сотилиши (хизматлар кўрсатилиши)га чек қўйишда ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Хосил КАРИМОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Тарих ва ҳақиқат

Жиззахда «ШАҲИДЛАР ХИЁБОНИ»

Яқинда вилоятдаги бир гуруҳ отахон ва онахонлар қадимий Ўрдада Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашган жонини фидо қилган юрдушларимиз шарафига «Шахидлар хиёбони» ташкил этиш таслими билан чиқди. Улар ёшларга даъват қилиб, мана шу бунёдкорлик ишларини ўз зиммаларига олишга ундадилар.

Вилоят ҳокими бу хайрли ташаббусни маъқуллаб қарор қабул қилди. Махсус штаб тўзилиб, қилинажак ишлар режалаштирилди. Тез орада «Шахидлар хиёбони» мажмуаси қурилишининг лойиҳаси ҳам тайёр бўлди. Мазкур лойиҳага биноан қурилажак мажмуанинг шох кўчага туташ қисмида улкан дарвоза очилади. Бош хиёбон бутунлай қайта қурилиб Жиззах кўзгоналани акс эттирувчи лаваҳа ўрин олади. Майдоннинг энг юқори қисмида Шахидлар ёдгорлиги ўрнатилади.

Уни имом Ал-Мотуридий макбарасини тиклаган мохир усталар барпо эта бошладилар. Мажмуада Жиззах тарихи музейи ҳам бўлади. Зиёрат жойлари акжиб бир кўриниш касб этади.

Энг муҳими, ёшлар бу ишларнинг ҳаммасини хашар йўли билан амалга ошириш учун бел боғлаганлар. Бугунги кунда қурилиш, ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналаридаги ёш йигит-қизлар, олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим жиамоалари аниқ тузилган жадал вақт асосида бу савобли ишда фаол қатнашмоқдалар. Асосий эътибор мажмуани Хотира ва Қадрлаш кўнига қадар қуриб битказишга қаратилган.

Бахриддин САТТОРОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.



Анджонда «Муқимжон» савдо ишлаб-чиқариш хусусий фирмаси ёрлиги билан ишлаб-чиқарилаётган тайёр кийим-кечаклар ўта хариддоригр. Сабаби, маҳсулот на сифати ва на тикилиши билан хорижийликдан қолшмайди. Мавсумий кастом-шим, аёлларнинг замонавий либослари, болалар кийимлари, келин либослари... Жалолқудуқ туманида жойлашган ушбу фирмага ўн саккиз нафар кишлоқ қизлари меҳнат қилаётир. Ажаб эмас, яқин йилларда «Муқимжон» либослари хорижга чиқса.

СУРАТДА: қўли гул чевар Гулзада Қосимова.

Тоҳиржон ҲАМОҚУЛОВ ҳамроҳ сурат.

Ўзбек-Италия «Аэрикам» ҚК мулкчилик шакали турачча бўлган кишлоқ хўжалик корхоналарига ЯНГИ ПУРКАГИЧЛАР етказиб беради. Тошкентдаги телефонлар: 54-84-22, факс 54-71-21.

БЕРУНИЙ — ЛОНДОНДА

Яқинда Лондонда араб тилида нашр этиладиган «Аль-Хаят» газетасида «Берунийнинг «Китоб ал-Сайдана» асари ва араб кутубхоналарининг унинг янги нашрига бўлган аҳтиёжи» сарлавхали мақола чоп этилди. Муаллиф — ироқлик тadbиркорчи Юсеф аль-Хадиднинг мазкур мақоласи буюк бобокалонимиз — қомусий аллома Абу Райхон Берунийнинг «Аль-Сайдана» асари хусусидадир.

«Беруний «Аль-Сайдана» асарини ҳаётининг охири йилларида, 80 ёшида яратган, — деб ёзади муаллиф. Алифбо тартибда тузилган ушбу қомусий асарда дунёнинг турли чеккаларидаги ҳайвонлар, ўсимлик, тошу маъданлар таркибидан олиннадиган ва тиббиётда қўлланиладиган дори-дармонлар хусусидаги тафсилотлар ўз ифодасини берди, ҳинд, юнон, шунингдек, Шом, Ироқ, Озор, Хуросон, Хоразм, Бухоро сингари мамлакат ва шаҳарлар лаҳжаларида келтирилади. Асардан доришуносликка доир илмий кўрсатмалар билан бирга жўрофия фанига оид маълумотлар ҳам кенг ўрин олган. Энг муҳими эса, мазкур қомусни яратиш асосида аллома мужожаат этган, илмий доираларда номаълум бўлган манбаларнинг унда зикр этилишидир.»

Б.ИРИСОВ, «Жаҳон» АА.

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ОБЪЕКТЛАРИ УЧУН УСКУНАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ТЕНДЕР ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА.

Тошкент шаҳри марказини электр билан таъминловчи объектлар: «ОДО», «Келес», «Навоий» нимстанциялари учун ускуналарни молиялаштириш ва етказиб бериш бўйича

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАКДА ТЕНДЕР КОМИССИЯСИНИНГ 2001 ЙИЛ 3 АПРЕЛДА БУЛИБ ЎТган ЯКУНИЙ ЙИГИЛИШИДА САВДОЛАР ҒОЛИБИ ДЭВ, АВВ ФИРМАСИ (ШВЕЙЦАРИЯ) ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

«Ўзбеклар ва месхети турклар ўртасидаги жанжал бир киллограммик кулупнайни деб бошланган», деб гапиргани, кейинчалик бутун собиқ Иттифоқда кулгига қолиб, «кулупнай» деб лақаб олгани ҳамон эслайми.

аслида ҳақиқий баҳосини Ўзбек давлати тарихи билан шуғулланидиган сиёсатчи ва олимлар ҳозирга қадар ҳам тўла тушуниб етмаган оқилона бир фикр қилди. Унинг ташаббуси билан Ўзбекистон Компартияси Қатъий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1989 йил 15 августда «Қолқозчилар» совхоз ишчилари, фуқаролар шахсий томорқа хўжаликлари ва индивидуал уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Еричи дехқонларга бўлиб

ларга бўлиб бериш мумкин эмас», деб қаршиллик кўрсатган. Шунда И.Каримов бошиқ Кудиров мажлисдан чиқиб, «Каримов вилоят миқёсида ишлаган раҳбар, у республикага ишларида ҳали тажрибага эга эмас. Москва ва ўзбошимчиликни «кўтар олмайди» ва табиқийки, бу сиёсатни тўхта-ти қўяди. Шунинг учун эртаси йўқ бу қарорни амалга оширишга шароитли кел-

ганлиги ва бу сиёсатнинг қанчалик узоқни кура билганлиги кишини ҳайратга солади. Шундай ҳали, шахсий ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини ривожлантириш, уларга қўшимча ер бериш ўша вақтдаги мавжуд бўлган вақт уткир ва қатти муаммоларни ҳал қилиш имкониятини яратди.

Энг аввало, меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисми, асосан кишлоқда яшаётган хотин-қизлар ва ёшлар иқтисодий фойдали меҳнатга жалб қилиниб, шу тарихқа кишлоқда ишсизлик кўчайиб бориш хавфининг олди олиниди.

Моддий аҳоли ўта оғирлашган аҳолининг реал даражасини оширишга, шунингдек, шартномалар асосида кишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш билан шуғулланидиган меҳнат дафтара-лари ҳамда уларга даригада нафақа олиш ҳуқуқини бериш билан кишлоқ аҳолисини иқтисодий каноатлантириш мустаҳкамлашга асос яратилди. Бундан ташқари, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги кескинликка барҳам беришга эришилди. Шахсий томорқа эгалари озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз оила-

ЎТМИШ ВА БУГУН

жой» ахтаришини ҳаёлига ҳам келтирмайдиган, халқнинг дardларига дармон бўлишни ҳаётий шioriга айлантириб олган етакчи кулгига ўтиди. Янги раҳбар И.Каримов ичқимай, халқнинг ичига кирди борди. Зудлик билан Фарғонага учиб, тўрт кун давомида вазиятни синқорлик билан ўрганди. Тadbиркорчида қўра, олдиндан белгилабган жойларга бормай, атрофдагилар учун кутилмаганда чекка-чекка кишлоқларга йўл олди ва асосан оддий йўлқозчилар, бригадирлар, ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Бу нарса баъзи раҳбарларга эриш туюлди. Уша пайтдаги сиёсатчи раҳбар каби ўз халқига пуч, арзонгаров ваъдалар беришлар билан оддийгина, самимий суҳбат қўрди. Кўпроқ у гапирмади, кўпроқ эшитди. Дарди, у эса инсонларнинг дардини жинглини, маъноси билан тинглади. Натихада месхети турклар билан бўлган низоининг асосида оддийгина «кулупнай» эмас, балки жиқидий иқтисодий муаммо ётганлигини теран кўра олди. У халқининг руҳиятини юракдан ҳис қилган И.Каримов ҳеч қим қилмаган, бир қараида ўта жўн,

бершидек дадил Ғо Иттифок раҳбарлари — М.Горбачев, Е.Лигачев ва бошқаларга мутлоқ ёқмади. Улар бу ташаббуси бўғиш учун барча хатти-ҳаракатларини қилиб қўришди. Бугун кимдир ишонмаслигини мумкин, лекин еричи дехқонларга тарқатишдаги барча раҳбарлари, жумладан, Министрлар Советининг Раиси Г.Кудиров, Олий Совет Президиуми Раиси М. Ибрагимов, Фарғона обкомининг биринчи котиби Ш.Юлдашевдан тортиб, то райком котиблари ва ҳатто совхоз-колхоз раҳбарларигача қаттиқ қаршиллик кўрсатишди. Уларнинг айримлари топшириқни ҳаракат қилишга ишқин бўлса, бошқалари ўта ноҳуш иқтисодий-иқтисодий ва сиёсий оқибатларга олиб келадиганлиги ҳақида И.Каримов устидан Сиёсий бюро раҳбарини номинга хатлар ёзишга боришди. Уша йиллари республика И.Журабековнинг хотирлаб-лулиб бериш масаласи қурилаган мажлисида Министрлар Советининг Раиси Г.Кудиров «Иттифок ерини Москвадан сўрамай, дехқон-

надан 790,9 минг тоннага, сут 2929,3 минг тоннадан 3636,2 минг тоннага етди. Мазкур маҳсулотларнинг асосий қисми томоқдан олиниши ҳеч қим учун сир эмас. Шўролар даврининг давлат аграр сиёсатида «ўғай фарзанд» ўрнида бўлиб келадиган шахсий томорқа хўжалиги мустақиллиги йилларида ўзининг ҳақиқий баҳосини топди. Бугун Ўзбекистон кишлоқ хўжалигининг асосини ширкат, фермер ва дехқон хўжаликлари ташкил этади. Мустақиллик шарофати билан кенгаи шахсий томорқа хўжалиги бугун дехқон хўжаликлари айланади. Фермер хўжалиқларининг катта қисмининг ҳам ўз томоқсидида пишиқ, тажриба ортирган дехқонлар ташкил этиди. Дехқон бола-чақаси билан ўзи учун астойдил тadbир қилинган учун, томорқаларда самарадорлик ва ҳосилдорлик мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан 1,3-1,5 баравар юқори бўлишига эришилди. Омиликор дехқонларнинг эса 3-3,5 баравар самарали ишлайиши ҳеч қим ҳайрон қолдираётгани йўқ. Ахратилган қўшимча ер, яратилган зарур шарт-шароит ва эришилган юқори самарадорлик натижасида бу-

ганлиги ва бу сиёсатнинг қанчалик узоқни кура билганлиги кишини ҳайратга солади. Шундай ҳали, шахсий ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини ривожлантириш, уларга қўшимча ер бериш ўша вақтдаги мавжуд бўлган вақт уткир ва қатти муаммоларни ҳал қилиш имкониятини яратди.

Энг аввало, меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисми, асосан кишлоқда яшаётган хотин-қизлар ва ёшлар иқтисодий фойдали меҳнатга жалб қилиниб, шу тарихқа кишлоқда ишсизлик кўчайиб бориш хавфининг олди олиниди.

Дўст — Аур, Дўстлик — Шоа

Сирдарё вилояти байналмиал вилоят ҳисобланади. Чўночи бу ерда 17 минг нафардан кўпроқ киргизлар истиқомат қилишмоқда. Улар кишлоқ хўжалиқда, саноатда ва халқ хўжалигининг бошқа тармақларида самарали фаолият юритиб, элнинг хурматига сазовор бўлишмоқда. Шоир ва публицист Ҳамроқул Ризо қаламига мансуб «Чўлда чаман яратганлар» номли янги китоб ана шу қардош халқнинг бугунги ҳаёти, оруз-умидлари, улар сафидан етишиб чиққан инсонларнинг фаолиятига бағишланган. Шоир дўстлигини шоага, дўстни эса дурга қилсаган. Зеро, дурдан ажойиб шоа пайдо бўлиши бугунги кунда чўлда меҳнат қилаётган ўнлаб миллат вакилларининг ҳаёт рамзига айланган.

А. ХОНИМҚУЛОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Кенжа оромгоҳ

Қўқон шаҳрида Мухимий номи билан аталувчи истироҳат боғи шаҳар меҳмонларни дам олувчиларни ўз бағрига олди. Қайта таъмирланиб, замонавий тус олган ушбу боғ шаҳардаги Шойрлар хиёбони, Ноҳира ва Фурқат номлари билан аталувчи оромгоҳларнинг энг қадимийси, айни пайтда кенжа-сидир. Бу тарафи қадимий ўрдага туташиб кетган ушбу боғ гўё ўтмиш ва келажакни бери-бири билан боғлаб турувчи кўприкка ўхшайди.

Н. СОБИРОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Озод АББОСХҲАЕВ, Одил ОЛИМЖОНОВ.

Истеъмолчиларнинг даъво купони

(Товар буйича даъвоғизни ёзинг, ахборот беринг)

Товар буйича ахборот:

Товар номи _____
Модели _____
Нархи _____

Ишлаб чиқарувчи ҳақида ахборот:

Корхонанинг номи _____
Ишлаб чиқарувчининг манзилгоҳи _____

Товарнинг сотиб олинган жойи:

Сотувчининг исми-шарифи _____
Сотувчининг манзилгоҳи _____

Даъвонинг асл моҳияти:

- Ахборотнинг тўлиқ эмаслиги
- Давлат тилида ахборотнинг йўқлиги
- Товари сақлаш ва қафолат муддати йўқлиги
- Товарнинг сифатсизлиги
- Товарнинг хавфлилиги
- Сотувчи даъво ни ҳал қилишдан бош тортиди
- Бошқалар (ёзинг)

Хоҳласангиз, исми-шарифингиз ва манзилгоҳингизни ҳам маълум қилинг _____

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Ишонч телефони»: 139-83-37, 139-47-15

Тадбир

Республика Халқ таълими вазирлигининг малака ошириш институти етакчилигида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги малака ошириш курслари бошлиқлари, мутахассислари учун семинар-кенгаш уюштирилди.

Тарбиячилар учун семинар

У республика Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши жойларда қандай бажарилаётганлиги масаласига бағишланди. Анжуман қатнашчилари қўшимча олиб бораётган ишлари, бу борадаги илк тажрибалари, айна пайта йўл қўйлаётган камчиликлар нуқсонлар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Мухим тарбиявий иш мактаб-гача таълим муассасаларидан бошланиши кераклиги алоҳида таъкидланди. Семинар-кенгаш қатнашчилари учун пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 534-болалар божчасида амалий машғулотлар ҳам ташкил этилди.

Ғофур ЖАБИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Саломатлик сабоқлари

Қалб ва руҳ кўзгуси

«Стерлинг медикал групп» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг «Кристалл» офтальмология шохбчаси шифокори Ботир Абдунабиевич Калонхўжаев билан газетамизнинг шу йилги 28 март ҳамда 11 апрель сонларида қилган суҳбатимиз давом этади. Бугунги якунловчи суҳбатда газетонларнинг хатлари ва телефон орқали берилган саволларга шифокорнинг жавобларини баён этамиз.

4. Кўзни қандай асраш мумкин?

— Ботир Абдунабиевич, Сизга газетонлар, аниқроғи, у ёки бу даражада кўз касалликларига учраган беморларнинг саволлари оғир эмас. Улар турли-туман, майда ва жиддий масалаларга бағишланган сўровлар. Биз саволларнинг мазмунидан келиб чиқиб, икки умумий саволга айлантирдик. Биринчиси шуки, кўзнинг қизариши, ёшлини туриши каби кўз касалликларининг оддий аломатлари пайдо бўлгани заҳоти одамлар шифокор ҳузурига борадилар. Бирок кўз касаллиги аниқ аломатларсиз ҳам бошланиши мумкин-ку? Бундай кезларда офтальмологга нима деб мурожаат қилинади?

— Офтальмолог ҳар бир одамнинг яқин дўсти. Айниқса, кишининг ёши 40 дан ошса, шунга боғлиқ равишда организмда ўзгаришлар юз бера бошлайди. Жумладан, кўзда ҳам. Умуман, одамларнинг 30-50 фоизи бу ёшда ҳар хил кўз хасталикларидан нолийди. Шабқурлик, яқин ёки узоқни кўра олмаслик, астигматизм — кўзнинг борлиқни тўғри илғамаслиги — тез-тез учрайдиган касалликлардир. Соғлом одамларда ҳам 40 ёшдан кейин кўз гавҳари хиралаша бошлайди. Оқибатда, ёзиш-чиқиш, тикиш-бичиш каби ишларни кўзойнақсиз бажариш мушкуллиги пайдо бўлади.

Бундай ҳолларда, кўз ботар хиралашиб қолмаслиги учун, ўз вақтида кўзойнакка ўтиш лозим. Бугун сифатли кўзойнақларни топиш айтирли муаммо эмас. Қўришни тиниклаштирадиган юпка ойнакли кўзойнақлар бор. Би-фокол ойнақлар ихтиро қилинган, узок ва яқин масофаларга мўлжалланган кўзойнақларни бир арақайи-га ёнда олиб юришга ҳолат қолмади. Бунинг устига, линзаси эркин алмаштириладиган кўзойнақлар яратилган.

Глаукома (назла) тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу касаллик ҳам ўз вақтида, кечиктирмасдан аниқ-

ланган. Кўзга узлуқсиз ташқи таъзия уни касаллантиради. Масалан, компьютерит — кўзнинг шиллик пардаси шамоллашган дори воситалари билан узок даволаниш мумкин, бироқ кўзни узлуқсиз зўриқтираверсангиз, бу касаллик сизни тарк этмайди.

— Қуруқ ҳаво, кўшнинг ўткир ёруғлиги, чанг-тўзон — кўз учун ноқулай шароит. Улардан қандай ҳимояланиш мумкин, деган саволни ҳам кўпчилик беришяпти...

— Бунинг учун офтобдан кўзни ҳимоя этувчи кўзойнақдан фойдаланиш лозим. Унинг ойнаги қорамтир рангли, бироқ атроф-борлиқни яхши кўрсатадиган, сифатли бўлиши керак. Сифатли кўзойнақ учун пулни аяманг. Улар узок муддат сизга хизмат қилади. Қорамтир рангли кўзойнақ кўзни фақат қуёшдан асраб қолмай, уни зарарли ультрабинафша нурлар таъсириндан ҳам ҳимоя қилади. Сифатсиз кўзойнақни таққандан кўра кўзойнақсиз юргангиз маъқул. Агар сифатсиз қора кўзойнақ тақилса, оқибати хунук бўлиши мумкин, яъни қўриш хиралашибгина қолмай, кўзнинг мўғуз пардаси куйиши рўй беради.


Антиблок қопламали кўзойнақлар тоғ бағрида кун жилваланиб турган сув задаларга қаралганда жуда асқотади. Чўмилиш пайтида ҳам бундай кўзойнақ кўзда тургани маъқул.

Энди чанг, косметика, терлашнинг кўзга таъсири ҳақида гаплашайлик. Улар кўзга тушиб қийнайди ва ҳатто шамоллашни кўзга таъзия қилиши мумкин. Бунинг учун кечқурун, ётишдан олдин кўзни албатта ювиб ташлаш керак. Агар кўзга чанг, тушса, уни илпик қўли билан ювиш, бу яхши. Қўк чойни, қора чойни фарқи йўқ. Чойдаги таннин моддаси юмшатиб, кўзга ёрдам беради.

Булар — кўзни асрашга оид қундалиқ йўл-йўриқлар. Лекин офтальмолог-шифокорга учрашиб туриш керак. Истагимиз — нигоҳингиз ҳамини равшан бўлсин ва олам гўзаллигини барча рангларда тўлиқ илғасин. Сизларга баркамол соғлиқ тилайман.

Михли САФАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хоразм томонларда



«ЁЙМОЙТАМАКИСАНОАТ» УЮШМАСИ, ЭЪЛОН

«Марказ ёғ» ҳиссадорлик жамиятига қарашли маъмурий бино, ошхона ва омборхона биноларини уюшманинг лаборатория ва маъмурий биноси қилиб, қайта қуриш ишларини бажариш буйича

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН 55-87-97.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 78-«А», 802, 803-хоналар.

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ

ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ КОММИССИЯСИНИНГ

2001 йил 27 мартдаги мажлиси 40-сонли баённомасига асосан автотранспорт фаолияти учун берилган қўйидаги рақамлардаги

- ЛИЦЕНЗИЯЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ТУГАТИЛДИ:**
- AT № 0004625, 0004626, 0004627 - 4-автотранс саройи ОТХЖ (Тошкент шаҳри);
 - AT № 0006037, 0006038, 0006039 - «Ал-Фа-Транс» МЧЖ (Фарғона вилояти, Учқўрғон тумани);
 - AT № 0005392, 0005393 - «2-Стройтеплица» хусусий фирмаси (Тошкент вилояти, Тошкент тумани);
 - AT № 0005598, 0005599 - «Тошкент» тажриба хўжалиги (Тошкент вилояти, Қибрай тумани);
 - AT № 0005575, 0005576 - «SEBILAN» МЧЖ (Тошкент шаҳри);
 - AT № 0005533, 0005534 - «Бухоротекс» ОТХЖ (Бухоро шаҳри);
 - AT № 0003357, 0003358 - «Ориент стар» туристик тижорат фирмаси (Самарқанд шаҳри);
 - AT № 0002113, 0002834 - «Ўзбекгидроэнергострой» трестининг Автотранспорт ишлаб чиқариш бинолашмаси (Тошкент вилояти, Қибрай тумани);
 - AT № 0006401 - «Хоразм вилояти марказий машина трактор парки» ДАЖ (Урганч шаҳри);
 - AT № 0006185 - «Набуват-Транс» йўловчи ва юк ташувчилар уюшмаси (Самарқанд шаҳри);
 - AT № 0004009, 0004010 - «Кизил ёғоч» жамоа корхонаси (Тошкент шаҳри);
 - ТЭ № 0009253, 0009254 - «ASRTFRANS» МЧЖ (Тошкент шаҳри);
 - AT № 0003571 - «Касби тумани ишлаб чиқариш тижорат корхонаси» ОТХЖ (Қашқадарё вилояти, Касби тумани);
 - AT № - 0002479, 0002480, 0002481, 0003548, 0003549 - «Зийрак автомобилчи» МЧЖ (Тошкент шаҳри);

- ЛИЦЕНЗИЯЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ:**
- AT № 0006232 - «EKRI» МЧЖ (Тошкент шаҳри);
 - AT № 0006129, 0006130 - «Булоқ ЛТД» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси (Тошкент шаҳри);
 - AT № 0006276 - «Нодира» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси (Андижон вилояти, Булоқбоши тумани);
 - AT № 0006088 - «РУАЖ» кичик хусусий фирмаси (Нукус шаҳри);
 - AT № 0006089 - «Темур» кичик хусусий корхонаси (Нукус шаҳри);
 - AT № 0006103 - «Қушчилик» ОТХЖ (Тахтакош шаҳри);
 - AT № 0006111 - «Мийнайым» қўп тармоқли хусусий фирмаси (Нукус шаҳри);
 - AT № 0006271 - «НУР» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси (Қорақалпоғистон Республикаси, Қанлиқул тумани);
 - AT № 0006215 - «Олтин чигит» Ўзбекистон-Греция қўшма корхонаси (Сурхондарё вилояти, Қумқўрган тумани);
 - AT № 0006301 - «Денов вино арқо» ҳиссадорлик жамияти (Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри);
 - AT № 0006270 - «Роҳат» хусусий кичик корхонаси (Сирдарё вилояти, Гулистон тумани);
 - AT № 0006098 - «Бегончо» МЧЖ (Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри);
 - AT № 0006288, 0006289 - «Марғилон Наргиз-Дилором» автохизмат корхонаси (Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри);
 - AT № 0006198 - «Рўзмав Ғолипов» бройлер паррандачилик фабрикаси ОАЖ (Хоразм вилояти, Урганч тумани);
 - AT № 0006297 - «Дўстлик» хусусий фирмаси (Хоразм вилояти, Урганч тумани);
 - AT № 0005577 - «Автохизмат ва қурилиш» (Хоразм вилояти, Хива шаҳри).

Ироданинг ютуғи

Наманганда 10 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида шахмат бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди. Унда термизлик 10 ёшли қизалоқ - Ирода ҳам қатнашиб, ажойиб ғалабани қўлга киритди. У умумий ҳисобда 6 очко тўплаб мусобақадан иккинчи ўринни эгаллади.

Турнир низомига биноан Ирода Иброҳимова бўлажак Осий чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Термиз шаҳридаги Мирзо Улуғбек номи 9-ўрта мактабнинг 3-синф ўқувчиси Ироданинг шахматдаги бу йirik ғалабаси синфдошлари, мактабдошлари, ота-онасини, мураббийсини, Норманат Турсуновни гоёт қувонтирди.

Чора ТҲТАЕВ, ЎЗМ мухбири.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИНИНГ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ

Бошқарманинг 2001 йилги қурилиш манзилий дастурига қиритилган объектларнинг қурилиш-монтаж ишларини бажариш буйича ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

- Юнусобод тумани, Юнусобод-14 мавзесининг Юнус-ота маҳалласидаги гузар.
- Чилонзор туманидаги шаҳар прокуратураси биносини таъмирлаш.
- А.Икромов тумани, Турсунқулов кўчасидаги Тезкор тиббий ёрдам шаҳар клиник шифохонасининг терапия корпусини таъмирлаш.
- Юнусобод туманидаги 88-сонли мактабни таъмирлаш.

Тендерда иштирок этиш учун буюртмасномалар қўйидаги манзилга юборилиши керак: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 16-уй.

144-35-59
41-86-64

2001 йил 17-20 апрел ТОШКЕНТ

КЎРГАЗМА-САВДО

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қўмитаси Андижон, Наманган, Фарғона вилояти ҳокимликлари «O'ZKO'RGAZMASAVDO» РЕСПУБЛИКА ЙРМАРКА САВДОСИ МАРКАЗИ СИЗНИ

2001 йил 17 - 20 апрелда бўладиган «ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ЭКСПОРТ ИМКОНИАТЛАРИ»

КЎРГАЗМА-САВДОСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Кўргазма-савдода Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг корхоналари, ишбилармон ва ҳунармандлари экспортга мўлжалланган маҳсулотлари билан қатнашадилар.

Манзил: Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 41, метронинг «Беруний» бекати

Ишончимиз қомилки, кўргазма-савдога таъриф буюриб, ишбилармон ҳамроҳлар топасиз.

Телефонлар: 144-18-97, 144-46-13, факс 144-18-97. E-mail: oks-expo@tps.uz

Иш вақти: 17 апрел 11.00дан - 17.00гача
18, 19 апрел 10.00дан - 17.00гача
20 апрел 10.00дан - 15.00гача

«Ўзбектеlevision» студияси жамоаси кинооператор Акмал Умарбековага умр йўлдоши Подира СОЛЖИОНОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология Бош бошқармасининг Гидрометеорологик жараянларга таъсир этиш бошқармаси жамоаси Косеоний хизматининг бошлиғи Ривожиддин Сирочевга уқаси

Жалолиддин ҒАНИЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти жамоаси ходими Н.Маликовага турмуш ўртоғи Олимхўжа МАЛИКОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия илҳор этади.

«ХАЛҚ СҰЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тажриб хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
- С. ЗИНИН,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУҲИДИНОВ,
- Ш. РИЗАЕВ,
- М. САФАРОВ,
- Р. ФАРҲОДИЙ,
- И. ХУДОЁЕВ,
- И. ШОҒУЛОМОВ,
- О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- Ҷ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
- Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60
- Газетонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48
- Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08
- Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15
- Котибият — 133-10-28
- Эълонлар — 136-09-25

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 2315, 18042 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер ҳиссада терлид халқда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁЕВ. Навбатчи — М.ХОЛМАТОВА. Мусаҳҳих — Ш. МАШРАББОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 21.30